

# НУТҚИЙ ЖАНРЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ЎРГАНИЛИШИ

**C.Нурмонова**

*Ўзбек тилишунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.д(PhD)*

**Annotation.** This article presents the opinions of world linguists on the pragmatic aspects of speech genres, and their classifications are studied and analyzed.

**Keywords:** Speech genre, semantics, pragmatics, communication, linguo-pragmatics, presupposition.

Маълумки, семиотика жамият ва табиатдаги белгилар тизимини ўрганувчи фан бўлиб, унинг таркибида синтаксика, семантика ва прагматика каби йўналишлар ажралди. Бу йўналишларниң ўрганиш обьекти битта – белги ва ифодаловчиларниң ўзаро муносабати ҳисобланади. Лекин бу муносабатлар турличадир, белгиларниң ўзаро синтактик муносабатлари синтаксика, белгиларниң ифода этаётган обьектга муносабати семантика, белгининг ундан фойдаланаётган субъектга бўлган муносабати прагматикадир.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилшуносликнинг янги йўналиши прагматикага эътибор кучайди. Прагматика фалсафа, мантиқий семантика билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг турли йўналишлари мавжуд, бу йўналишларни лингвистик тадқиқотда инсон омилини ҳисобга олиш зарур деган тушунча бирлаштиради. Прагматикадан ажратиб чиқкан йўналишлардан бири – нутқий жанр қисмларининг ички тузилишини таҳлил қилишга қаратилган нутқий жанрлар назариясидир.

“Прагматика” термини илмий ҳаётга семиотик белгиларниң умумий назарияси асосчиларидан бири Ч.Моррис томонидан киритилган<sup>1</sup>. Олим Чарлз Пирс ғояларини ривожлантирган ҳолда семиотикани қуидагиларга ажратди: 1) семантика – белгиларниң борлиқ обьектларига муносабати ҳақидаги таълимот; 2) синтаксика – белгилар орасидаги муносабатлар тўғрисидаги таълимот; 3) прагматика – белгиларниң шу белгилар системасидан фойдаланувчиларга муносабати ҳақидаги таълимот<sup>2</sup>. Шу муносабат билан, тилшуносликда лингвистик прагматика шаклана бошлади. Бу даврда Ч.С.Пирс, Ж.Р.Остин, Ж.Р.Серл, З.Вендлерлар, П.Грайс, Л.Линский, Ж.Р.Серл, П.Ф.Стросонларниң илмий-назарий қарашлари нутқий акт тушунчasi ва унинг ижроҷилари, коммуникатив ният масалаларига қаратилди.

Маълумки, ўзбек тилишунослигига ҳам прагмалингвистик ёндашув бўйича қатор қимматли тадқиқотлар мавжуд. Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Ш.Сафаров, С.Рахимов, А.Маматов, А.Мамажонов, М.Ҳакимов, Н.Турниёзов, С.Мўминов, Ш.Искандарова,


<sup>1</sup> Моррис Ч.У. Из книги «Значение и означивание» // Семиотика. – Москва: Изд-во Академ.Проект. 2001. – С. 129-143; Философский энциклопедический словарь. – Москва: Сов. энциклопедия,1983. – С. 601-602.

<sup>2</sup> Мадаминова М. Матн прагматик тавсифида синтактик бирликларниң ўрни: Филол. фан. бўйича ф. док-ри ... дисс. – Андижон, 2022. – Б. 12.



Д.Лутфуллаева, И.Хожалиев, У.Рахимовларнинг лисоний прагматиканинг турли масалалари ёритилган тадқиқотлари, рисола ва мақолалари шулар жумласидан.

Ш.Сафаров жаҳон тилшунослигида прагматиканинг шаклланиши ва тараққиёти ҳақида тўхталиб, “хозирги пайтда тилшуносликнинг инсоний-антропологик фан эканлигини инкор этишга ҳеч ким журъат эта олмаса керак”<sup>3</sup> деган хуносага келади. Ҳақиқатан, тил фақат инсонларга хос бўлганлиги учун ҳам инсоний-антропологик фандир. Олим томонидан коммуникациянинг муҳим таркибий қисмлари сифатида “сўзловчи”, “тингловчи”, “ижро этиш” ва “тушуниш” бўлимларини ажратади<sup>4</sup>. Буни қуйидаги расм орқали кўрсатиш мумкин:



1.2-расм. Коммуникациянинг муҳим таркибий қисмлари

Куйидаги мисолни кўрайлик:

—Хозир ўқиган шеърингизни эшиитдим. Кучли ёзилган экан. “Тенглик қилинг, кенглиқ қилинг”, деб. Худди бизга атаб ёзилибди. Бир-бirimizni бўридай гажиб юрибмиз-да ҳозир, — деди Асадбек. Очиқ кўнгилда айтилган бу гапни Элчин ўзи томонга отилган тошдай билиб, гижинди. Қайнотасининг рўпарасига ўтириб, хўмрайди (Тоҳир Малик. Шайтанат, 65- бет).

Асадбекнинг очиқ кўнгилда айтган нутқини Элчин ўзига отилган тошдай қабул қилди. Бу ўринда ижро ва тушуниш бўлимлари бир-бирига қарама-қарши, зиддиятли бўлди. Кўринадики, ижро ва тушуниш бўлимлари ҳар доим ҳам бир-бирига тўғри келавермайди, акс маънода ҳам тушуниш мумкин. Бу ҳолатда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги зиддият нутқнинг нотўғри талқин қилинишига олиб келган. А.Нурмонов ахборот узатиш ва уни қабул қилиб олиш қўшимча маъно (фикр) ифода этишини, бу ҳолат тилшуносликнинг ички тузилишидан ташқари ҳолатда юз бериши ҳар қандай гапнинг семантикасида ... сўзловчининг коммуникатив нияти ва модаллик акс этган бўлиши кераклигини<sup>5</sup> таъкидлаб ўтади.

М.Ҳакимов нутқий акт тушунчаси, унда сўзловчи коммуникатив ниятининг акс этишини айтиб, уни нутқий актларнинг кўринишлари сифатида нутқда намоён бўлишини таъкидлайди. Сўзловчининг муносабати эса нутқий актлар воситасида шаклланади<sup>6</sup>. Шаклланган нутқий актлар нутқий жанр турларини ҳосил қиласди.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 230.

<sup>4</sup> Сафаров Ш. Кўрсатилган манба. – Б. 66.

<sup>5</sup> Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // ЎТА. 1986, 6, –Б. 42-45; Нурмонов А. Тасдиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши // ЎТА. 1978, 1. –Б. 31-34; Нурмонов А. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // ЎТА.2001, 4. –Б. 54-57; Нурмонов А. Синтаксик бирликларнинг прагматик томони. // ЎТА. 2000. 5. –Б. 22-24.

<sup>6</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 6.



“Нутқ фаолияти ҳам маълум қоидалар билан тартибга солинади. Гарчи нутқий алоқа меъёрлари тарбия системасига кирса ҳам, улар жамиятнинг бир-бирига коммуникатив муносабатларда мажбуриятли аъзолари ўртасидаги ўз-ўзидан (ҳеч қандай сўзсиз) келишилган битимлар соҳасига киради. Прагматиканинг вазифаси уларни аниқлаш ва таърифлашдан иборатдир”, - деб қайд этади Н.Д.Арутюнова<sup>7</sup>.

Прагматика – бу тилнинг тилдан фойдаланувчиларга муносабатини ўрганувчи фан сифатида нутқ қисмлари ва нутқ ҳаракатларини текширадиган контекстни ўрганади. Кўринадики, прагматиканинг олдида икки хил муаммо туради:

1. Нутқ жанрларининг типлари ва нутқ “маҳсулот”ларини аниқлаш.
2. Гапда қандай пропозиция ифодалаётганини аниқлашга таъсир кўрсатувчи контекстнинг белги ва хоссаларини кўрсатиш.

Тадқиқотчилар бу икки муаммони турлича ўрганишади. Р.С.Столнейкерни биринчи муаммо кўпроқ қизиқтиради, у нутқ жанрларининг (унда нутқ қисмлари мазмунининг) қуидаги типларини ажратади: *тасдиқ, буйруқ, қарама-қарши ифода, фаҳмлаш ёки инкор, илтимос, эътиroz, олдиндан сўзлаш, ваъда берииш, чақириқ, мулоҳаза, тушунтириш, ҳақорат, хулоса, таҳмин, умумлаштириш, жавоб* сингари. Кўринадики, олим нутқ қисмлари деб таҳлил қилган контекстлар маълум нутқ жанрига тааллуклидир. Таҳлилнинг вазифаси ана шу нутқ жанрларини меъёрий, ўринли юзага келтиришнинг зарурий, етарли шароитларини аниқлаш бўлган. Етарли ва зарур шароитлар эса ушбу нутқ жанрининг юзага келишига сабаб бўлади ва маълум хоссаларга эга бўлади. Контекстдаги маълум хоссалар эса суҳбатдошларнинг билими, фикри, қизиқишилари, мақсади: ифоданинг юзага келиши ва унинг натижаси дейиш мумкин.

В.Г.Гак эса прагматикани муомала вазияти, нуткий ҳаракатлар типларига боғлик равища тил шаклларининг маъноси ва улардан фойдаланишини ўрганувчи тилшунослик соҳаси, деб таъкидлайди<sup>8</sup>.

“Ош пииди” жумласи лингвистик аспектда информатик-ахборот маънони билдиrsa, прагматик аспектда дастурхончига нисбатан “дастурхондан ортиқча нарсаларни олиб ошга тайёрлаш”, маъruzачига нисбатан “маъruzani якунлаш”, бирор ишни ҳал қилиш керак бўлганда иш якунланлигини билдириш учун ишлатилиб, хабар, тайёргарлик, якун, мақсад каби ҳукмларни билдиради. Кўринадики, мулоқотнинг моҳиятини аниқлашда лингвистик аспект билан бир қаторда прагматик аспектнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Нутқий жанр тадқиқининг коммуникатив ва прагматик стратегияси Ф.де Соссюрнинг “мавхум объективизм”ини ва М.М.Бахтиннинг тил-нутқ ҳақидаги ғояларини мутлақ ҳақиқат сифатида бартараф этишга ёрдам беради. Олим шундай ҳукм чиқаради: “Тил-нутқнинг мутлақ ҳақиқати – бу тил шаклларининг мавхум тизими эмас, балки сўз ва сўзлар билан амалга оширадиган нутқ шовқинининг ижтимоий воқелигидир”<sup>9</sup>. Бу ерда нутқий ўзаро таъсир орқали тил-нутқнинг оғзаки ва ёзма мулоқотнинг воқеа ва прагматик омиллари билан функционал ва семантик алоқасини назарда тутамиз. Бахтин ғоялари тил-нутқнинг социолингвистик ва лингвопрагматик тадқиқоти шаклида анча самарали ривож топди. Биринчи йўналиш тилнинг функционал хусусиятларини:

<sup>7</sup> Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. Языки русской культуры. – Москва, 1999. – С. 650.

<sup>8</sup> Гак В.Г. Эмоции и оценки в структуре высказывания и текста // Вестник Московского Университета 9. Филология. – Москва, 1997. – № 3. – С. 87-95.

<sup>9</sup> Бахтин М.М. Проблемы речевых жанров // Бахтин М.М. Собр. соч. – Москва: Русские словари, 1996. – С.113



муайян нутқий вазиятларда тилдан фойдаланиш, муайян этнолингвистик жамоанинг коммуникатив компетентлиги таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, биз тил ҳақида мөъёр сифатида, турли маданиятларга хос семантик соҳалар, тил хулқ-автори ва бошқалар ҳақида гапирамиз. Иккинчи йўналишда эса тилнинг прагматик салоҳияти – нутқ, коммуникатив вазиятлар ва тилнинг таъсир этиш йўлларига эътибор қаратилади. Муайян нутқий вазият доирасида тилнинг иллокуцион ва перлокуцион функциялари ҳамда уларнинг нутқий фикрлашни қўллаб-куватлаши кўриб чиқилади: ижрочилар, пресуппозициялар, таклифлар ва бошқалар. Буларнинг барчаси, албатта, нутқ жанрлари назарияси учун жуда муҳимдир, аммо тизим интеграциясидан ташқарида қолиб, улар билан билвосита боғлик. Нутқ ва нутқ жанрининг ўзаро таъсирининг ички хосланган томонларини тушуниш учун нутқ жанрининг ўзига хос тарихий, маданий, прагматик ва лингвистик жиҳатларини боғловчи яширин дискурсив қирраларини топиш муҳимдир. Шу жиҳатдан Л.М.Васильеванинг “Системный семантический словарь русского языка. Предикатная лексика”<sup>10</sup> рисоласи алоҳида аҳамият касб этади, унда “Нутқ предикатлари”нинг мавзуйи гурухлари келтирилган:

- 1) нутқнинг ички томонини очувчи предикатлар;
- 2) нутқнинг мундарижасини очувчи предикатлар;
- 3) нутқнинг коммуникатив аспектини очувчи предикатлар: хабар берувчи предикатлар, въъда берувчи предикатлар, насиҳат билдирувчи предикатлар, тушунтирувчи предикатлар;
- 4) муроқот предикатлари: сухбат предикатлари, келишув предикатлари, тортишув предикатлари, бирор нарсани муҳокама қилувчи предикатлар;
- 5) нутқий контакт предикатлари (савол ва жавоб): нутқий контактга киравчи (кимнинг кимгадир мурожаати), савол билан мурожаат қилиш, рози ёки розимасликини билдирувчи жавоб предикатлари;
- 6) нутқий мотивлар предикатлари;
- 7) буйруқ, талаб ва топшириқ билдирувчи предикатлар;
- 8) тақиқни билдирувчи предикатлар;
- 9) таклиф ва талаб, чақириқ, бирор топшириқ асосида ҳаракат каузациясини билдирувчи предикатлар;
- 10) маълум бир ҳаракат учун розиликни билдирувчи предикатлар;
- 11) эмоционал муносабатларни билдирувчи предикатлар: масхаралаш натижасида аразлаш нутқий каузацияни, қоралаш билдирувчи, қоралашга норозилик билдирувчи, нутқий этикет билдирувчи;
- 12) нутқий баҳо билдирувчи предикатлар. (2000 нутқий сўздан иборат)<sup>11</sup>.

Нутқ жанрлари диалогик ҳодиса сифатида инвариант-вариант модели сифатида синтагматик ва парадигматик муносабатлар тизими орқали ўрганилади. Нутқ жанри сўзловчининг турли типик интенциялари нутқ жанрининг логик-интенционал аспекти сифатида кўрилади. Шундай қилиб,

<sup>10</sup> Васильев Л.М. Системный семантический словарь русского языка. Предикатная лексика. Т. 1. – Уфа: Гилем, 2005. – С. 446.

<sup>11</sup> Васильева Л.М. Системный семантический словарь русского языка. Предикатная лексика. – Уфа, 2005. – С. 284-332.



ушбу йўналиш нутқ жанрининг соддалашган концепти билан характерланади. Масалан, нутқ жанрининг мавзуси лингвоцентрик тадқиқотларда оддий нутқ предмети сифатида кўрилади, М.Бахтинда эса мавзуу pragmatik тарзда ўрганилади. Нутқ жанрлари назариясига таянган лингвистик генристика нотўлиқ pragmatika деб тушунилади. Кўринадики, нутқ жанри назариясининг муқобил йўналиши сифатида хусусий нутқ жанри концепциясига эга бўлган pragmatik йўналиш майдонга келди.

### Адабиётлар рўйхати

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. Языки русской культуры. – Москва, 1999. – С. 650.
2. Бахтин М.М. Проблемы речевых жанров // Бахтин М.М. Собр. соч. – Москва: Русские словари, 1996.  
– С.113
3. Васильев Л.М. Системный семантический словарь русского языка. Предикатная лексика. Т. 1. – Уфа: Гилем, 2005. – С. 446.
4. Гак В.Г. Эмоции и оценки в структуре высказывания и текста / / Вестник Московского Университета 9. Филология. – Москва, 1997. – № 3. – С. 87-95.
5. Мадаминова М. Матн прагматик тавсифида синтактик бирликларнинг ўрни: Филол. фан. бўйича ф. док-ри ... дисс. – Андижон, 2022. – Б. 12.
6. Моррис Ч.У. Из книги «Значение и означивание» // Семиотика. – Москва: Изд-во Академ.Проект. 2001. – С. 129-143; Философский энциклопедический словарь. – Москва: Сов. энциклопедия,1983. – С. 601-602.
7. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // ЎТА. 1986, 6, –Б. 42-45; Нурмонов А. Таслиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши // ЎТА. 1978, 1. –Б. 31-34; Нурмонов А. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // ЎТА.2001, 4.–Б. 54-57; Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик томони. // ЎТА. 2000. 5. –Б. 22-24.
8. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 6.

